

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ ФАУНАНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

Аннотация. Мазкур мақолада Россия империяси томонидан Туркистон ўлкаси босиб олингандан кейин Рус География жамияти томонидан амалга оширилган илмий экспедицияларида минтақа фаунасининг атрофлича ўрганилиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Фауна, илмий экспедиция, антропология ва этнография ҳаваскорлик жамияти, Сырдарё вилоятининг фаунаси, Бухоро амирлиги ҳайвонот дунёси, ҳайвонот олами рўйхати, саҳро фаунаси.

Аннотация. В статье рассматривается детальное изучение фауны региона в ходе научных экспедиций, проводимых Русским географическим обществом после завоевания Туркестана Российской империей.

Ключевые слова: фауна, научная экспедиция, любительское общество антропологии и этнографии, фауна Сырдарьинской области, животный мир Бухарского эмирата, список животного мира, фауна пустынь.

Annotation. In this article, the detailed study of the fauna of the region during the scientific expeditions carried out by the Russian Geographical Society after the conquest of Turkestan by the Russian Empire was studied.

Key words: Fauna, scientific expedition, amateur society of anthropology and ethnography, fauna of Syrdarya region, animal world of Bukhara Emirate, list of animal world, desert fauna.

Кириш

Россия империясининг Туркистон ўлкасига кизиқиши тобора ортиши натижасида минтақада кўплаб илмий экспедициялар ташкил этилган. ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлик жамияти аъзоси, рус табиатшунос олими А.П.Федченко биринчилардан бўлиб, Туркистон ўлкаси фаунасини ўрганиб, ҳайвонларнинг 5000 мингта, ҳашаротларнинг 2000 га яқин, қушларнинг 12 мингдан ортиқ коллекциясини[1] жамлайди. Энтомолог олим В.Ф.Ошанин эса Туркистон ўлкасида амалга оширган тадқиқотлари давомида Ўрта Осиёдаги 700 дан ортиқ ҳашаротларни турлар[2] асосида синфлаштиради.

А.П.Федченко тадқиқоти давомида Зарафшон водийсидаги қушларни ҳам ўрганиб, уларнинг 150 та турини аниқлаб рўйхатини тузган. У шунингдек, Зарафшон водийсидаги ҳайвонот оламини рўйхатини ҳам шакллантирган бўлиб, ҳайвонларни 60 та, қушларни 416 та, судралиб юрувчилар ва сувда ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонларни 69 та, балиқларни 107 та, ҳашаротларни 16313 та турини[3] мазкур рўйхатга киритган.

Асосий қисм

1857 йилдан бошлаб Россия Фанлар академияси табиатшунос олими Н.А.Северцов раҳбарлигида Туркистон ўлкасида ҳайвонларнинг географик тарқалишини ўрганиш мақсадида[4] тадқиқотлар олиб борилади. У ўлкадаги фауна ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар тўплаб, ҳайвонларни ўлка бўйлаб тарқалишини тадқиқ этади. Н.А.Северцов Орол - Каспий текислигининг ҳайвонот олами жойлашган ушбу минтақани 5 та ҳудудга, яъни биринчиси 700 фут баландликгача бўлган даштлар, иккинчиси 2000 фут баландликгача бўлган маданий ҳудудлар, учинчиси 6000 фут баландликгача бўлган баргли ҳудудлар, тўртинчи ҳудудга 10000 фут баландликгача бўлган игна баргли ҳудудлар, бешинчиси 10000 футдан юқори энг баланд ўсимликлар ҳудудига ажратиб кўрсатган[5]. Айнан учинчи фауна ҳудуди энг бой ҳайвонот оламига эга ҳисобланган, шунингдек,

Европадаги кўплаб дарахт қушлари Ўрта Осиёда тоғ қушларига айланаётганини ижобий жиҳат сифатида[6] қайд этилган.

Н.А.Северцов Туркистон ўлкасидаги ҳайвонларнинг географик тарқалишини ўрганиб, Ўрта Осиёга хос бўлган жонзотларни 47 турини[7], қушларнинг 97 та турини[8] аниқлайди ва уларнинг ҳудудлар кесимида тарақалишини кўрсатиб ўтган. У шунингдек, Туркистон ўлкасидаги сув ҳайвонларини ҳам тадқиқ этиб, уларни Қадимий Ўрта Осиё, Янги Ўрта Осиё ва Понто-Каспий фауналарига[9] бўлиб, тизимлаштирган.

Сирдарё вилоятининг фаунаси ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Н.А.Дингельштедт тадқиқотида эътибор қаратсак, муаллиф Сирдарё вилояти фаунаси ҳақида муҳим фактларни келтирганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, у Сирдарё вилоятининг ҳайвонот оламида форс ёки бенгал йўлбарсларига ўхшаш “қироллик” йўлбарси, тулки, силовсин, ёввойи мушук, сувсар, қуён, кийик, архар, тоғ эчкиси, сайгак, жайрон, қулонлар яшашини экспедициялари давомида аниқлаган[10]. Сирдарё вилоятида балиқлардан шип (осётр), улкан катталикдаги лаққа, судак, илон балиқ, сазан, карас, мўйловли балиқ, маринка каби турлари учрайди. Воҳада 2 турдаги заҳарли илонлар гуруҳига кирувчи, камдан - кам ҳамда тоғларда учрайдиган қора илон ва Қизилқум чўлида яшайдиган “бушаж илон” ҳам бўлиб, уларнинг аҳолига хавфи жуда кам бўлган[11].

Ўрта Осиё минтақаси фаунасини ўрганган тадқиқотчилар ўлка ҳайвонот олами ҳақида турли қизиқарли фикрларга ҳам дуч келишганлигини таъкидлашган. Жумладан, Туркистон ўлкасида тимсоҳлар учраши ҳақидаги фикрлар бунга яққол мисол бўлади. Бу борада Н.А.Дингельштедт тадқиқотида Ўрта Осиё минтақасида тимсоҳларнинг мавжудлиги тўғрисидаги гаплар мутлақо ёлғонлигини, бундай маълумотнинг келиб чиқиши Қизилқум чўлларида яшайдиган улкан калтакесак ва эчкемарлар билан боғлиқ эканлигини, бу жониворлар ҳақиқатдан ҳам ўзининг шохдор йўлбарс терисига ўхшаш танаси, қаттиқ тангачалари узунлиги билан тимсоҳга ўхшаб кетганлигини[12] таъкидлаган.

Сирдарё бўйлаб жуда кўп тарқалган тустовуқлар ҳудуддаги қушлар ичида, *айниқса, аҳамиятли ҳисобланган*. Зарарқунанда пашшалар, сўна пашшалар, чигирткалар ва ришта касалигидан маҳаллий аҳоли ҳам, жониворлар ҳам азият чекишига сабаб бўлган.

Сирдарё вилоятида йиртқич ҳайвонлардан Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқими қамишзорларида яшовчи йўлбарслар, Амударёнинг дельтасида яшовчи гепардлар (Феликс жубата), тоғларда яшовчи барслар, айиқлар (Урсус буконикс), бўрилар, чиябўрилар, тулкилар, силовсинлар, ёввойи мушуклар ва сувсарлар учрайди. Бошқа ҳайвонларга: кийик (марал), архар (овис аркар), тоғ эчкиси, сайгак, қулон (ёввойи от) ва ёввойи чўчкалар киради. Вилоятда овчилик соҳаси жуда сустр ривожланган. Қушлардан тус товуқ, ўрдак, ғоз, каклик ва бошқа қушлар яшаган. Вилоятнинг сув жонзотлари алоҳида хилма-хилликка эга бўлмаган. Дарёлар, кўллар ва Орол денгизиде бакра балиқ (Асипенсар шипа), сўм, мўйловли балиқ, оққайроқ, сазан, окун, илонбалиқ, лешч ва хонбалиқ (мойбалиқ)лар яшайди. Амударё ҳамда Сирдарёда баъзан кемирчак турли балиқлар (Скафарингус) 3 та тури овланиб, ушбу балиқлар дунёнинг бошқа жойларида бутунлай йўқ бўлиб кетган. Судралиб юрувчилардан эса эчки эмарлар, бўғма илонлар, қора илонлар ва бошқа сув илон турлари[13] учрайди.

Фарғона вилояти фаунаси ҳам бой бўлиб, улар асосан илмий экспедициялар даврида кенгрок ўрганилган. Фарғона вилояти ҳайвонот олами жонивор турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг сони жиҳати билан юқори даражада турган. Бу ҳудудларда тигр (йўлбарс, Андижон уезди ўрмонлари), тоғ барси (Фелис ирбис), силовсин, тўрсик, айиқ (Урсус леуконикс), бўри, тулки, қуница, хорек, олмахон, видра, қуён, сурок, шушқанчик, дикобраз, ёввойи тўнғиз, архар (Овис), марал, ёввойи эчки, така (Капра сибирика)[14] каби ҳайвонлар яшаган.

Вилоятда қушлардан эса қора калхат (қорақуш), соқолтой бургут, қарға, гўнқарға, зоғча, хакка, чуғурчук, улар (Тетрагаллус хималаенсис), Мегалопердикс Ниегелли, тоғ каклиги, кулранг каклик, Отис тарда, безгалдок, қирғовул, бедана, қашқалдок, сувтарғок, лайлак, сассиқпопишак, қизилиштон ва бошқа турдаги қушлар, балиқлардан зоғорабалиқ,

сом, Салмо фарио, сўзанбалиқ, Асипенсер нудивентрис, чўртан, қорабалиқ, Кипринидае каби балиқ турлари, захарли илонлардан Американинг сув илонига ўхшаш маҳаллий чинқироқ илон – Тригоносепхалус халис, қора илонлар[15] кўп учрайди.

Фарғона водийсида ўтроқ турмуш тарзи билан кўчманчилик ҳаёт тарзи аралашиб, уйғунлашиб кетганидек, деҳқончилик ва чорвачилик ҳам бир-бирига қўшилган ҳолда, уйғунлашиб, бу минтақадаги ўзига хос ажойиб жиҳатлардан бири бўлган. Шунинг учун ҳам водийда чорва ҳайвонларидан ҳўжаликда кенг фойдаланишган.

Тоғ клеппер отлари Фарғонада энг кўп тарқалган от зоти бўлиб, уни аҳолида қашғар оти деб аташган[16]. Бу зотдаги отлар 2 аршиндан баланд бўлмай, одатда майда бўлган. Фарғонада учрайдиган 2 от тури қорабайир отлари бўлиб, А.Ф.Миддендорф фикрича, улар туркман тойлари ва қирғиз тулпорларининг чатиштирилишидан келиб чиққан[17]. Водийдаги отларнинг кўпчилиги юк ташувчи ҳисобланади.

Фарғона водийсида чорва молларига жуда жиддий эътибор берилиб, улардан деҳқончиликда кенг фойдаланиб келишган. Шунинг учун ҳам уларни озуқаларига катта эътибор қаратилган, аммо ем-ҳашак етишмаслиги ва озуқа манбалари етишмовчилиги бунга тўсиқ бўлган, буни устига, қиш мавсуми шимолий мамлакатлардан кўра анча қисқа давом этиб, жониворлар баҳор келиши биланоқ тезда далаларга ҳайдаб чиқарилган.

Фарғона водийсига қўйлар асосан шимолдан, тоғлардан Наманган орқали кириб келган. Марказий Осиёнинг қўйлари, ҳаттоки европаликлар томонидан ҳам сотиб олиниб, кенг қилинган. А.Ф.Миддендорф кузатувлари давомида водийда деярли фақат думбали қўйларни учратган. Унинг фикрича, аслида қўйлар кўнғир рангда бўлиб, кейинчалик уларнинг боши қора, танаси сарғиш-кўнғир рангдаги турлари кенг тарқалган. Умуман, қўйлар турли хил рангда бўлиб, улар оқ, қора ва бошқа рангларда учрайди[18].

Минтақанинг шимолида икки ўрқачли туялар учраса, жанубда бир ўрқачли, виқорли туялар кенг тарқалган бўлган. Фарғонада туялар асосан тоғларда учраб, маҳаллий кўчманчи аҳоли (қирғизлар)[19] томонидан етиштирилган.

Рус география жамияти аъзоси, рус зоологи Н.А.Зарудний ҳам Туркистон ўлкаси фаунасини, хусусан, Бухоро амирлиги ҳайвонот дунёсини атрофлича ўрганган бўлиб, амирлик фаунаси ҳақида қимматли маълумотларни келтирган. Жумладан, у амирлик ҳудудида ҳайвонларнинг янги турларини учратган, типратикан, эчки ва қўйларнинг номаълум турлари, қушларнинг ноёб турлари, хусусан, Бухоро қалдирғочлари, узункуйруқлар, чумчуқлар ва қирғовуллари[20] бошқа ҳудудлардаги қушлардан ўзига хослиги билан ажралиб туришини қайд этади.

Рус география жамиятининг топшириғи билан Н.А.Зарудний 1912 йил Қизилқум саҳросига, 1914 йилда Орол денгизи ҳудудига илмий экспедицияларда қатнашади. Тадқиқот натижаларига кўра, у Қизилқумдаги саҳро фаунасини ўрганиб, уларнинг коллекциясини тўплайди, 230 та турли қушларнинг тухуми ва уялари ҳақида ўз тадқиқотини яратади[21]. Орол денгизидаги барча ҳайвонларни тадқиқ этиб, денгизнинг ўзида 380 та қуш турини аниқлашга эришади. Умуман олганда, Н.А.Зарудний Туркистон ўлкасида амалга оширган экспедициялари давомида жами 10000 га яқин қушларни[22] ўрганиб, минтақадаги орнитология соҳасини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган.

Хулоса

Хулоса шуки, Россия империяси Туркистон ўлкасини ҳам ашё базасига айлантириш билан бир вақтда минтақа фаунасини ҳам илмий тадқиқ этиш жараёнларини доимий кузатувида сақлаб турган. Рус География жамияти табиатшунос олимлари томонидан Туркистон ўлкасидаги ҳайвонот оламини чуқур тадқиқ этилиши натижасида табиий фанларда бир қатор янги соҳаларни, хусусан, ихтиология, орнитология каби фауна билан боғлиқ соҳаларнинг ривожланишига тўртки бўлди.

1. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / Лойиҳа раҳбари Д.Ҳ.Зияева. – Тошкент: “Akademnashr”, 2019. – Б. 236-255.
2. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 237-239.
3. Турсунов Р.Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида экологик вазият ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари [Матн]: Монография / Р.Н.Турсунов. – Тошкент: “Firdavs-Shoh” nashriyoti. 2023. – Б.101.; Ўша асар: – Б. 257.
4. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 252.
5. Северцов Н.А. Вертикальное и горизонтальное распределение Туркестанских животных / Под редак. А.П.Федченко и Л.П.Сабаньева. – Москва, 1873. – С. 37.
6. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. Сыр-Дарьинская область. – С.Петербург.1893. – С. 20.
7. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 253-254.
8. Северцов Н.А. Вертикальное и горизонтальное распределение Туркестанских животных... – С. 77.
9. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 254-255.
10. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. Сыр-Дарьинская область. – С.Петербург.1893. – С. 28.
11. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края... – С.28.; Турсунов Р.Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида экологик вазият ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари... 2023. – Б.100.
12. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. Сыр-Дарьинская область. – С.Петербург.1893. – С.28.
13. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.268.
14. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.7.
15. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.7.; Турсунов Р.Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида экологик вазият ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари... – Б.100-101.
16. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.274.
17. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины... – С.275.
18. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины... – С.298.
19. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины... С.298-300.; Турсунов Р.Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида экологик вазият ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари... – Б.101.
20. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 258-259.
21. Турсунов Р.Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида экологик вазият ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари... – Б.103.
22. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари)... – Б. 259-260